# *Бугун – Ўқитувчи ва мураббийлар куни*


# TOSHKENT HAQIQATI

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 1-oktyabr / SESHANBA / № 77 (13736)


**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.**

**Газетамизнинг бугунги сонида Ўзбекистон Экологик партиясининг Тошкент вилояти Кенгаши номидан “Яшил ва мусаффо ҳаёт, соғлом келажакни истаганларнинг барчаси биз томонда”, Халқ демократик партиясининг “Фаровонликка хизмат қиладиган дастур” ҳамда “Адолат” социал-демократик партияси Тошкент вилояти Кенгаши номидан “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” сарлавҳали мақолалар чоп этилмоқда.**

SAYLOV 2024
27-OKTABR
MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

*2-3-саҳифага қаранг.*

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

**Муҳтарам устоз ва мураббийлар!**

Аввало, сиз, азизларни, юртимиздаги таълим-тарбия соҳаси ходимларини Ўқитувчи ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга энг эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Халқимиз ўзининг азму шижоати, бунёдкорлик салоҳияти билан Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этаётган бугунги кунда ушбу улуғ айёмнинг моҳияти, муаллим ва устозларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти айниқса ортиб бормоқда.

Эл-юртимиз азалдан эъзозлаб келадиган ўқитувчи ва мураббийларнинг мақомини, қадр-қимматини янада юксалтириш – биз амалга ошираётган давлат сиёсатининг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналишига айлангани ҳам шундан далолат беради.

Зеро, донишмандлар айтганларидек, мамлакат аввало ердан ризқ-насиба ундирадиган деҳқонлар, халқни ёвдан, турли ёвузликлардан ҳимоя қиладиган аскарлар, ёш авлодга таълим ва тарбия берадиган фидойи муаллимларнинг саъй-ҳаракати билан обод ва фаровон бўлади.

**Ҳурматли ватандошлар!**

Кейинги йилларда миллий тараққиёт стратегиямиз асосида юртимизда таълим ва тарбия тизимида ҳам том маънода тарихий ишлар амалга оширилмоқда.

Қисқа фурсатда соҳага оид кўплаб қонун, фармон ва қарорлар қабул қилиниб, бу борадаги ҳуқуқий база мустаҳкамланди. Янгиланган Конституциямизда ўқитувчининг мақоми алоҳида белгилаб қўйилди.

Республикамизда ҳар йили янги-янги таълим масканлари барпо этилиб, уларнинг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда. Дарслик ва ўқув қўлланмаларининг замон талабларига мос янги авлоди яратилмоқда.

Айниқса, мактабгача таълим тизими дунёдаги илғор тажрибалар асосида мутлақо янгича ривожланиш босқичига қадам қўйди. Юртимиздаги болалар боғчалари сони 8 баробар ошиб, салкам 38 мингтага, жумладан, нодавлат таълим муассасалари 250 тадан 29 мингтага, қамров эса 27 фоиздан 76,4 фоизга етгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу ҳақда сўз юритганда, охирги етти йилда 5 мингдан зиёд мактабда, шу йилнинг ўзида эса 608 та мактабда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилганини таъкидлаш лозим.

Илк бор 530 та мактабда инклюзив таълим жорий этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 288 минг нафардан ортиқ бошланғич синф ўқувчиларининг бепул овқатланиши йўлга қўйилди.

Хусусий сектор ривожи учун яратиб берилаётган қулай имкониятлар натижасида нодавлат мактаблар улуши 5 фоизга етгани диққатга сазовордир.

Биз инсон қадрини улуғлашга қаратилган улкан ишларимиз доирасида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз.

Бугунги кунда ўқитувчиларнинг иш ҳақи 2016 йилга нисбатан ўртача 2,5 марта, профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши эса 4,5 карра ўсгани, октябрь ойидан педагог ходимларнинг иш ҳақи яна 15 фоизга оширилиши шу борадаги саъй-ҳаракатларимиз натижасидир.

Таълим сифатини юксалтириш мақсадида педагогларнинг малакасини ошириш бўйича ягона ва вертикал тизим яратилди. Жорий йилда ҳозирга қадар 142 нафар ўқитувчи илғор хорижий давлатларда малака ошириб қайтди. Мактаб директори лавозимига тайинлаш тизими такомиллаштирилиб, уларга менежерлик сертификатини бериш тартиби ўрнатилди.

Таълим-тарбия соҳасига берилаётган улкан эътибор туфайли ёшларимиз билим, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида юксак марраларни қўлга киритаётгани барчамизни мамнун этмоқда.

Ўқувчиларимиз 2010-2016 йилларда халқаро фан олимпиадаларида 73 та медални қўлга киритган бўлса, сўнгги етти йилда 349 та, 2024 йилнинг ўзида эса 122 та медалга сазовор бўлгани ҳам биринчи навбатда сизларнинг машаққатли меҳнатингиз самарасидир.

Бу борада халқаро фан олимпиадаларида ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларнинг устозларини рағбатлантириш тизими йўлга қўйилгани ва шу мақсадда Давлат бюджетидан 6 миллиард сўм маблағ йўналтирилгани муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон тарихида биринчи марта буюк алломаларимизга бағишланган халқаро фан олимпиадаларини ўтказишни бошладик. Бу эса фарзандларимиз, бутун халқимиз қалбида ғурур ва ифтихор туйғуси билан бирга, дунёда Ўзбекистоннинг маърифий нуфузини ҳам юксалтирмоқда.

Мактабда иккинчи хорижий тил ва касб-ҳунарларни ўргатиш борасида ҳам муҳим қадамлар ташланди. Жорий ўқув йилида 354 та мактабда 16 мингдан зиёд ўқувчига иккита хорижий тилни ўқитиш, 289 та мактабда 40 мингдан ортиқ ўқувчига касб-ҳунар ўргатиш йўлга қўйилди.

Олий таълим соҳасида ҳам катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда юртимизда 135 та янги олийгоҳ ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 211 тага етказилгани, тизимда қамров даражаси 4 баробардан зиёд ошиб, 9 фоиздан 38 фоизга етгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

**Қадрли дўстлар!**

Кўҳна тарих, бугунги ҳаёт тажрибаси барча муаммоларнинг ечими, саволларнинг жавоби фақат ва фақат таълимда, камолот ва бахт эшикларининг калити таълим ва тарбияда эканидан далолат беради.

Барчамиз яхши тушунамизки, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларга етишда – жонажон Ўзбекистонимизни эркин ва фаровон, ҳар томонлама обод мамлакатга айлантиришда соҳа ривожини янги сифат босқичига кўтариш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сизлар билан бўлиб ўтган сермазмун ва самимий мулоқотимизда бу ҳақда яна бир бор фикр алмашиб, келажак режаларимизни аниқ белгилаб олдик.

Ишончим комил, сиз, муҳтарам педагоглар, профессор-ўқитувчиларимиз таълим соҳасидаги ислоҳотларимизда янада фаол иштирок этиб, “Янги Ўзбекистон – маърифий жамият” деган олижаноб ғоямизни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшасиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз таълим ва тарбия тизимини янада равнақ топтириш, соҳа ходимлари учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш масаласига бундан буён ҳам устувор аҳамият берамиз ва ўқитувчиликни жамиятимизда энг обрўли касблар қаторига олиб чиқамиз.

**Муҳтарам устозлар!**

Мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, эзгу ва шарафли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, қадрли ва меҳрибон устозлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ





**Лойиҳанинг умумий қиймати 10 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобига амалга оширилади. Корхонада 100 та доимий иш ўрни яратилади.**

2

# МУКОФОТ МУБОРАК!

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 сентябрдаги "Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, соҳада ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув жараёнига миллий ва илғор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасидаги муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-ҳунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги катта хизматлари, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, фарзандларимизни Ватанга меҳр ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юртдошларимиз фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотландилар.*

*Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:*

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ” ФАХРИЙ УНВОНИ БИЛАН**

**Абдурахманова Озода Дехканбоевна** – Қуйи Чирчиқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси

**“ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ БИЛАН**

**Хабибуллина Винера Салиховна** – Зангиота туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

**II ДАРАЖАЛИ “СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН” ОРДЕНИ БИЛАН**

**Олимова Анарай Джурахановна** – Юқори Чирчиқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

**“ШУҲРАТ” МЕДАЛИ БИЛАН**

**Махаматкулова Сайёра Абдуллаевна** – Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган мактабнинг информатика фани ўқитувчиси

**Саидмурадов Шухрат Алишерович** – Тошкент туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси

**Туляганова Дилфуза Юлдашовна** – Қибрай туманидаги касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси

# УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ

**Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда таълим тизимидаги мутахассислар, вилоятдаги фаол ўқитувчилар, соҳада самарали меҳнат қилаётган фахрий устозлар иштирок этишди.**

Эътироф



Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев барча устоз-мураббийларни самимий табриклаб, келгуси ишларига баркамоллик тилади.

Шунингдек, тадбирда сўнгги йилларда вилоят таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

Таъкидланганидек, “Ҳаёт мактаби” дастури доирасида вилоятдаги 94 та мактабда 11 турдаги касб мутахассисликлари бўйича ўқитиш ташкил этилди. Улар касб турлари бўйича зарурий жиҳозлар билан таъминланиб, мактабга яқин ҳудуддаги корхона ва ташкилотларга бириктирилди. Шу билан бирга, 10 та мактабда тадбиркорлар билан шартномалар имзоланиб, 565 нафар 10-, 11-синф ўқувчиларига иш ҳақи тўлаш тизими жорий этилди.

Президентимиз фармонига кўра, давлатимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган бир гуруҳ педагогларга мукофотлар тантанали равишда топширилди. Ижобий натижаларга эришаётган ўқитувчи ва мураббийларга миннатдорлик билдирилди.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги**
**Ахборот хизмати**

# Вилоят бўйлаб




**ЯНГИЙЎЛ туманидаги** Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш илмий-тадқиқот институтида “Юқори самарали қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва техника воситаларидан фойдаланиш даражасини оширишнинг инновацион ечимлари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда соҳага доир халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар иштирок этишди.



**БЎСТОНЛИҚ туманидаги** ҳарбий қисмда туман ҳокимлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси, мактабгача ва мактаб таълими ҳамда мудофаа бўлимлари билан ҳамкорликда "Мен ҳам ҳарбий бўламан" китобининг тақдимоти ўтказилди.



Китоб мазмуни билан танишган иштирокчилар ҳарбий хизматнинг жамият ва давлат хавфсизлиги учун қанчалик муҳим экани ҳақида сўзладилар.

**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ тумани** ҳокими Ускенбой Атемов ҳамда сектор раҳбарлари иштирокида фуқаролар билан навбатдаги сайёр қабул ўтказилди. Унда фуқароларнинг турли масалалар юзасидан мурожаатлари тингланди. Муддат талаб этилган масалалар тегишлилиги бўйича масъулларга бириктирилиб, ижроси назоратга олинди.



**ОҲАНГАРОН туманининг** қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 2,7 гектар ер майдони темир йўл қурилиши учун ажратилди. Қурилиш билан боғлиқ сарф-харажатлар инвесторларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.



**ЧИРЧИҚ** олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида "Беш ташаббус олимпиадаси" доирасида ўтказилаётган шашка мусобақасининг республика финал босқичи бўлиб ўтди.



## Ҳамкорлик



**Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев хитойлик бир гуруҳ ишбилармонларни қабул қилди.**

# ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТИ

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизматининг хабар беришича, учрашувда Оққўрғон туманининг “Бойғули” маҳалласи ҳудудида собиқ суюлтирилган газ тарқатиш пункти ўрнида (1 гектар ер майдонида) бунёд этилаётган лед кўча чироқлари ҳамда электромобилларни зарядлаш қурилмалари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан яқиндан танишилди.



Мулоқотда жорий йил якунига қадар ишга тушиши режалаштирилаётган корхонанинг келгусидаги фаолияти муҳокама этилди. Шунингдек, “Zhongzhi-Ideal” МЧЖ вакиллари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тақдимоти ўтказилди. Дастлабки маҳсулотлар маҳаллий бозорларга чиқарилиши бўйича келишувга эришилди.

Маълумот учун, корхона йилига 76,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Лойиҳанинг умумий қиймати 10 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобига амалга оширилади. Корхонада 100 та доимий иш ўрни яратилади.

## Таълим

# ЗАМОНАВИЙЛИК КАСБ ЭТАЁТГАН МАКТАБ

***Мамлакатимизда таълим тараққиёти ва сифатини яхшилаш бўйича изчил ва тизимли ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда.***

Хусусан, Бекобод туманидаги 26-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг фан олимпиадаларида қўлга киритаётган ютуқлари ҳам таҳсинга сазовор. Жумладан, 8-синф ўқувчиси Фарангиз Омонова Ал-Хоразмий номидаги халқаро фан олимпиадасида муваффақиятли қатнашди. 9-синф ўқувчиси Ойнурабону Абдураимова кимё, 10-синф ўқувчилари Севинч Эгамбердиева, Гулсевар Анорбоева, Заҳро Рустамова, Гулшан Абдужалиловалар тарих ва физика фанлари бўйича вилоят босқичида ўз билимларини синовдан ўтказдилар.



Айниқса, мактаб жамоаси билан Чирчиқ давлат педагогика ҳамда Гулистон давлат университетлари ўртасидаги ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Мисол учун, физика-математика фанлари ўқитувчиси Зариф Холиқов ядро физикаси бўйича, она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси Шоҳиста Шодмонова эса фольклор йўналишида Гулистон давлат университетида илмий иш олиб бормоқда. Устозларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу ўқув йилида мактабнинг 36 битирувчисидан 30 нафари олий таълим муассасалари талабаси бўлди. Улардан 4 нафари эса давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Жорий ўқув йилининг биринчи қўнғироқ тантаналари 320 ўринга мўлжалланган янги мактаб биносининг очилиш маросимига уланиб кетди. Тадбирда туман ҳокимлиги, мактабгача ва мактаб таълими бўлими мутасаддилари, маҳалла фаоллари, ижодкорлар иштирок этишди.

– Мана шундай кўркам, замонавий ўқув биноси биз учун жуда зарур эди, – дейди мактаб директори Ибодулла Эшмуродов. – Билимга чанқоқ фарзандларимиз камолоти йўлида хайрли ишларга ҳисса қўшган масъуллардан миннатдормиз.

**Ашурали БОЙМУРОД**

## Назорат

# РЕТРАНСЛЯТОРЛАР ФАОЛИЯТИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича Республика Кенгашининг 2022 йил 23 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мобиль алоқа тармоқлари сигналларини кучайтириб берувчи ретранслятор қурилмаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги қарори билан асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқарилган ёки хориждан олиб кирилган ва фойдаланиладиган ретранслятор қурилмалар тартибга солинади. Унга асосан, мазкур қурилмалар электромагнит мослашув нормаларига ва техник талабларга мувофиқлик бўйича сертификатга эга бўлиши, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар ишлашига салбий таъсир кўрсатмаслиги, ретранслятор қурилмаларининг техник тавсифлари радионурланиш параметрлари учун белгиланган стандарт ва меъёрларга мос келиши, чиқиш қуввати 500мW (27 дБм) дан ошмаслиги белгиланган. Ушбу нормалар ижроси қай даражада таъминланаётганлигини ўрганиш ва радиохалақитларнинг олдини олиш мақсадида “Ўзкомназорат” инспекциясининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими, “ЭМММ” ДУК ходимлари иштирокида мониторинг тадбирлари ўтказилди.




Жараёнда вилоятимиз ҳудудида 24 та ретранслятор (репетер) қурилмалари тегишли ҳужжатларсиз ўрнатилиб, ишлатилаётгани аниқланди. Шунга кўра, фуқаролар билан тегишли рухсатнома асосида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларга радиохалақит ҳосил бўлишининг олдини олиш мақсадида тегишли тушунтириш ишлари олиб борилди ва ретрансляторлар тармоқдан узиб қўйилди. Шунингдек, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг ишлатилиши тўғрисида огоҳлантиришлар берилди.

Ретранслятор қурилмаларидан фойдаланувчилар белгиланган тартибда электромагнит мослашув нормаларига мувофиқлиги тўғрисида сертификатга эга бўлган қурилмалардан фойдаланишлари тавсия этилади.

Эслатиб ўтамиз, вилоят ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган, сотувда бўлган ва ишлатилаётган, мобиль алоқа таянч станцияларининг фаолияти учун радиохалақитлар келтириб чиқарувчи ва мобиль алоқа хизматлари сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ускуналар (ретранслятор)дан фойдаланиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда чора кўришга сабаб бўлади.

**К. ТУРҒУНОВ,**
**“Ўзкомназорат” инспекциясининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими Телекоммуникациялар ва почта алоқаси тармоқларини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи**

# ЯШИЛ ВА МУСАФФО ҲАЁТ, СОҒЛОМ КЕЛАЖАКНИ ИСТАГАНЛАРНИНГ БАРЧАСИ БИЗ ТОМОНДА

**Ўзбекистон Экологик партиясининг яқинда бўлиб ўтган V Форумида Сайловолди дастури тасдиқланди. Партиямизнинг келгуси беш йилликка мўлжалланган мазкур дастурий платформасидан бугунги ва келажак авлод учун қулай атроф-муҳитни яратиш, хавфсиз ва самарали бўлган яшил иқтисодиётга ўтиш, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда яшил ва мусаффо ҳаёт барпо этишнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топди.**

OʻEP Oʻzbekiston Ekologik partiyasi

Партиямиз **“Табиат учун бирлашайлик”** шиори остида бошқа партиялардан кўра аниқ ва реал ташаббуслар билан чиқмоқда.

**I. АҲОЛИНИНГ ҚУЛАЙ АТРОФ-МУҲИТГА ЭГА БЎЛИШ ҲУҚУҚЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ.**

Партиямиз **шаҳарларда бино ва кўп квартирали уйлар қурилишини мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш** механизмларини қонунда аниқ белгилашни таклиф этяпти. Шаҳарларимизда яшил майдонлар ва дарахтлар тобора камайиб кетаётгани, бу эса жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини кўриб турибмиз. Мисол учун, айни вақтда республика бўйича мингдан зиёд қурилиш объектлари атрофи ўраб олинган бўлиб, уларда 50 мингга яқин дарахтлар тақдири хавф остида қолмоқда.

Биз **2030 йилга қадар йирик шаҳарларда йўловчиларнинг велосипедда ҳаракатланиш улушини 20 фоизга етказиш**ни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Яъни, **автомобиль йўли қатнов қисми ҳисобидан скутерлар ва велосипедларда ҳаракатланиш учун алоҳида йўлаклар ташкил этиш**ни таклиф этмоқдамиз.

Биноларнинг **энергия самарадорлигини ошириш учун, аввалимбор, лойиҳалаш жараёнида уларга аниқ талаблар қўйилиши** зарур. Шунинг учун ҳам **туман (шаҳар)ларнинг бош режаси тасдиқланмагунга қадар қурилиш ишларини тўхтатиб туриш** таклифи қўйилмоқда.

Сайловолди дастуримиздан барча вилоят ва туманларда **яшил майдон ҳамда дарахтзорларнинг «яшил» кадастрини ишлаб чиқиш** таклифи ўрин олган. Яъни, яшил майдон ҳамда дарахтзорларга эгалик ҳуқуқини қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгилаш, республикадаги **давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни тўлиқ рақамлаштириш** йўли билан хатловдан ўтказиш зарур.

**II. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА БАРҚАРОР ЭКОЛОГИК РИВОЖЛАНИШГА АСОСЛАНГАН ИҚТИСОДИЁТНИ БАРПО ЭТИШ.**

Сайловолди дастуримизда **2035 йилгача мамлакатимиз автомобилсозлик саноатини тўлиқ электромобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштиришни** кўзда тутмоқдамиз. Шунингдек, анъанавий йўловчи ташиш поездларини замонавий тезюрар поездларга алмаштириш ва **ташиш учун йўл ҳақи нархларини мақбуллаштириш**, темир йўлларни модернизация қилиш ва кенгайтириш, **юк ташишни йирик юк машиналаридан темир йўлларга ва атроф-муҳитга камроқ таъсир кўрсатадиган бошқа транспорт турларига ўзгартириш** каби таклифларимиз мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

Албатта, бунинг учун зарур инфратузилмани яратиш, жамоат транспортини электробуслар ҳисобидан ривожлантириш, **электробусларни зарядлаш станцияларини қуриш учун эса тадбиркорларга зарур ер майдонлари ажратилиши** керак бўлади.

Партиямиз **“яшил” иқтисодиёт**га ўтиш ва уни қўллаб-қувватлашга оид ташаббусларни илгари сурар экан, бугун бу борадаги мавжуд муаммолар ечими учун аниқ таклифларни дастурига киритди. Хусусан, **экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи** тадбиркорлик субъектларини **қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)дан озод этиш**, инвестициявий жозибадорликни ошириш мақсадида **«Яшил виза»** *(«Green Visa»)* **дастури**ни жорий этиш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг оқибатларини юмшатишга қаратилган **иқлимий молиялаштириш** *(climate finance)* тизимини жорий этиш, “яшил” инновацияларни жорий этишда **хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш**, давлат-хусусий шерикликни ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, **“яшил” ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш** учун инвестиция фондини ташкил қилиш ҳамда йирик саноат корхоналарини технологик модернизациялаш ва уларда “яшил” технологияларни жорий этилишини жадаллаштириш, саноатнинг “**яшил” ва кам углеродли ривожланишини** таъминлаш каби қатор муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

**III. ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.**

Сайловолди дастуримизнинг бу йўналишида атроф-муҳитга зарар етказиш ҳисобига олинган энергия улушини **камида 25 фоизга қисқартириш**, саноатда энергия тежамкор технологияларни жорий этиш **орқали энергия сарфини 50 фоизга қисқартириш**, 2030 йилгача энергия балансида **экологик тоза ва қайта тикланувчи энергия манбалари улушини камида икки карра ошириш**, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган **“Яшил энергетика стратегияси”**ни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга доир ташаббуслар олиб чиқилган.

Бундан ташқари, йирик шаҳарлар атрофидаги чиқинди полигонлар базасида **халқаро стандартларга мос келувчи электр станциялар қуриш**, биокўмир ишлаб чиқариш ва **чиқиндиларнинг энергия потенциалидан унумли фойдаланиш**, электр таъминоти узилишларига чек қўйиш ва аҳолини арзон энергия билан таъминлаш чора-тадбирларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Юртимизга **водород ва биогаз каби қайта тикланувчи энергия манбалари** учун технологияларни олиб киришда божхона имтиёзларини жорий этиш каби долзарб ташаббуслар ҳам дастуримиздан ўрин олган. Партиямиз 2050 йилгача **60-80 фоиз уйларни иситиш тизимини қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан қопланишини** ташкил этиш бўйича дастур қабул қилишни мақсад қилган.

**IV. ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.**

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, она табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш – замонавий ва кучли давлатни барпо этишда энг муҳим устувор вазифалардан бири.

Аввало, дарахтзорлар мавжуд бўлган ер майдонларини қурилиш мақсадларида реализация қилинишини қонун билан тақиқлаш, **10 ёшдан катта дарахтларни кўчириб ўтқазишга бутунлай чеклов қўйиш**, керак бўлса, қурилиш мақсадларида дарахтларни ноқонуний кесган тадбиркорларнинг **ерга бўлган ҳуқуқини бекор қилиш** тартибини жорий қилишимиз зарур.

**V. ЕР-СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.**

Партиянинг мазкур йўналишдаги генетик модификацияланган организмлар *(ГМО)* маҳсулотларининг миқдори бўйича маълумотларнинг маҳсулот ёрлиқларида аниқ кўрсатилишини таъминлаш, **органик маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш** бўйича ғоялари эътиборга моликдир.

Маҳсулот ёрлиқларида унинг таркибидаги **ГМО маҳсулотларининг миқдори бўйича маълумотлар**нинг аниқ кўрсатилиши ҳуқуқини ихтиёрий сертификатлаштириш тизими орқали рўйхатдан ўтган ишлаб чиқарувчиларга берилишини тартибга солиш, биринчи навбатда **истеъмолчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш** билан биргаликда, ишлаб чиқарувчига савдо бозорини кенгайтириш имконини ҳам яратади.

Органик маҳсулотларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилишни қўллаб-қувватлашнинг **аниқ ҳуқуқий механизмларини жорий этиш** муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланишдан чиққан **ерларни қайта фойдаланишга киритиш** чораларини кўриш бугун ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга. Биз суғориладиган майдонлардан янада самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун **ерларни экишга тайёрлашда ресурс ва энергия тежамкор, экологияга безарар бўлган «No-TiLL»** *(ерга минимал ишлов бериш)* каби инновацион технологияларни кенг жорий этишни таклиф этмоқдамиз.

Партиямиз **ёмғир сувидан самарали фойдаланиш дастури**ни ишлаб чиқиш, ҳудудларда ёмғир сувидан фойдаланган ҳолда кичик яшил майдонлар ва боғлар барпо этиш, **қор-ёмғир ва сел сувларини йиғиш** имкониятини бутунлай қайта кўриб чиқишни таклиф этмоқда. 2025 йилдан **қурилиш майдони 500 $м^2$ дан ортиқ бўлган уй, бино ва объектларда ёмғир сувини йиғиш** тартибини жорий этмоқчимиз.

**V. ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИ, СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.**

Айни вақтда малакали **юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш**, **эколог-ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш**га эҳтиёж юқори. Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ва жиноий ишларни кўриб чиқиш бўйича **ихтисослашган судлар ташкил этилмаган**. Бу борада зарур чораларни кўриш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

Партиямиз **йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солишни қонуности ҳужжатларидан қонун асосида тартибга солишга ўтказиш**ни таклиф этмоқда.

Ёшларимизни турли салбий иллатлардан асраш, уларнинг саломатлигини таъминлаш учун **2009 йил 1 январдан кейин туғилган шахсларга 2030 йилдан бошлаб тамаки маҳсулотлари сотилишини тақиқлаш**, энергетик ичимликларнинг саломатликка салбий таъсирини инобатга олиб, **21 ёшдан кичик шахсларга энергетик ичимликлар сотишни тақиқлаш** таклиф этиляпти.

**VII. ГЛОБАЛ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА МОСЛАШИШ ВА ОРОЛ ДЕНГИЗИ ҚУРИШИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ.**

Сайловолди платформамизда **Оролбўйи ҳудудида биохилма-хилликни сақлаш**, иқлим ўзгаришини юмшатиш, чўлланишнинг олдини олишга қаратилган лойиҳа ва дастурларга халқаро молия институтларини кенг жалб этиш, **Қизилқум чўли ҳудудида саҳрога мос ўсимликлар экиш** орқали қум-бўронлари кўтарилишининг олдини олиш ва **яйловлар деградациясини тўхтатиш**га эришиш каби вазифалар қамраб олинди.

**VIII. ТАШҚИ СИЁСАТ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.**

**«Марказий Осиё экологик иттифоқи»ни ташкил этиш** орқали табиий ресурслар, биохилма-хилликни сақлаб қолишга эришишимиз мумкин. Марказий Осиёда барқарор энергетика инфраструктурасини шакллантириш мақсадида қўшни давлатлар билан **муваққат энергия захираларини яратиш**, фавқулодда ҳолатларда **энергия ресурсларини ўзаро алмашиниш** тизимини жорий қилиш долзарб аҳамиятга эга. Қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликда **ҳайвонларнинг миграция йўлларини ҳимоя қилиш**, миграция маршрутларида қўриқхоналар ташкил этиш ноёб ҳайвонлар популяцияси учун жуда муҳим ҳисобланади.

**Бўлажак сайловларда яшил ва мусаффо ҳаёт, соғлом келажакни истаганларнинг барчаси биз томонда!**

**Ўзбекистон Экологик партиясига, партиямиздан кўрсатилган номзодларга овоз беринг!**

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари**

**Биз учун энг муҳими: ваъда эмас – натижа, эртага эмас – бугун!**

# ФАРОВОНЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ДАСТУР

## Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури ҳақида

**Бугун дунё миқёсида бир тенденция қарор топмоқда. Ижтимоий сиёсат ҳар бир давлат ривожланиши ва бошқарувининг, таъбир жоиз бўлса, таянч устунига айланмоқда. Дарҳақиқат, жамиятдаги турли шахслар ҳамда гуруҳлар ўртасидаги тенгликни тартибга солишда, ижтимоий адолат ва ижтимоий мувозанатни таъминлашда унинг ўрни беқиёс.**

Ижтимоий адолат ҳукмрон бўлган давлат барпо этишни **ўзининг энг олий мақсади,** деб билган **Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида илгари сурилаётган ғоя ва ташаббуслар айнан шу мақсадга қаратилган.**

**Сайловолди дастуримизда партиянинг сиёсий майдондаги "сўл" позициясига хос ва мос равишда социал-демократик ғояларни ифодаловчи вазифаларга алоҳида устуворлик берилган.**

**Бу йилги Сайловолди дастуримиздан 10 та йўналишда 15 та стратегик қадамдан иборат устувор мақсадлар ўрин олган.**

***Биринчи йўналиш.*** **Ижтимоий барқарорликнинг таянчи бўлган кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга интиламиз!**

Ушбу йўналишда ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини яратиш, ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш, камбағалликни қисқартириш, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш бўйича самарали сиёсатни амалга оширишни мақсад қилганмиз. Шу боис, **давлат аҳоли манфаатларини тўлақонли таъминлаш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритиши лозим**, деб ҳисоблаймиз.




Мазкур йўналишда бир қатор ҳаётий заруратга айланиб бораётган ташаббуслар ўрин олган. Бунда, **аёлларга пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига боласи 3 ёшга тўлгунча уни парваришлаш таътилларида бўлиш вақтини тўлиқ қўшиб ҳисоблаш** керак, деб биламиз.

**Эр ёки хотини вафот этганда ҳамда вафот этган шахс кўпроқ пенсия олган тақдирда, ушбу пенсияни унинг ҳаёт бўлган турмуш ўртоғига ўтказиб бериш (пенсияни алмаштириш) тартибини жорий этиш** кўзда тутилмоқда.

Биз **фуқароларни жамғариб борилаётган пенсия маблағларини бошқариш, уларни доимий равишда онлайн равишда кузатиш, банкка депозитга қўйиш орқали кўпайтириб бориш имкониятини бериш керак,** деб ҳисоблаймиз.

***Иккинчи йўналишда*** **аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш ва сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш ташаббуслари ўрин олган.**

**Бунда ХДП фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, бунинг учун арзон уй-жой қурилишини кенгайтиришга қатъий ҳаракат қилади.**

Мазкур йўналишдаги ташаббуслар иккита қадамда ўз ифодасини топади. Хусусан, **аҳолини арзон уй-жой билан таъминлаш ҳамда қурилиш соҳасида самарали назорат ўрнатиш кўзда тутилган.**

Биз **"Ижтимоий тураржойлар тўғрисида"**ги қонун қабул қилинишини мақсад қилганмиз. Унда *уй-жойсиз, яшаш шароити ўта оғир, ногиронлиги бўлган ёки оила аъзолари орасида ногиронлиги мавжуд аёллар, оилавий болалар уйлари битирувчилари учун* **ижтимоий тураржойлар** қуриш назарда тутилади.

Сайловолди дастурнинг ***учинчи йўналиши шаҳарлар ва аҳоли яшаш пунктларининг хавфсизлиги ва экологик барқарорлигини таъминлашга қаратилган.*** Бунда партия шаҳарлар ва аҳоли пунктларини тарихий қиёфасини сақлаш, табиий ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича ўз саъй-ҳаракатларини кучайтиришни мақсад қилган.

Қолаверса, ушбу йўналишда **маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз билан биргаликда шаҳар ҳудудларида сув тошқинларининг олдини олиш мақсадида дренаж тизимини қайта кўриб чиқиш, электр жамоат транспорт воситалари улушини кўпайтириш, бепул электр қувватлаш станцияларини ташкил этиш учун** фаол иш олиб боришни мақсад қилганмиз.

Сайловолди дастуримизнинг ***тўртинчи йўналишида*** **барча учун малакали тиббий хизмат имкониятларини яратиш бўйича ташаббуслар ўрин олган.** Хусусан, шу йўналишдан ўрин олган **еттинчи қадам** малакали тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

Партиямиз тиббий суғуртани жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида **"Давлат тиббий суғурта тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш зарур**, деб ҳисоблайди.

Биз дори ва тиббий буюмларнинг нархлари бўйича чекловларни белгилаш юзасидан **"Дори-дармонлар ва тиббий воситалар нархларини давлат томонидан тартибга солиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш** муҳимлигига эътибор қаратганмиз. Ишонамизки, дори-дармон ва тиббий воситаларнинг нархлари давлат томонидан тартибга солиниши аҳолини ортиқча ташвишлардан халос этади.

Сайловолди дастурининг ***бешинчи йўналиши*** **ёшларнинг сифатли таълим олишига қаратилган.**

Биринчи навбатда, "Ягона ижтимоий реестр"да рўйхатга олинган оила фарзандларини давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган тўловдан озод қилишни назарда тутяпмиз.

Мактабларда овқатлантириш тизими устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, зарарли озиқ-овқат маҳсулотлари сотишнинг олдини олиш ва бошланғич синфларда ўқувчилар сонини 20 нафардан оширмаслик, катта синфларда эса 24 тагача ўқувчи ўқитиш тизимини яратиш тарафдоримиз.

Биз **мактаблар ўқув дастурларида чет тиллар ва IT бўйича ўқув соатларини кескин кўпайтириш керак**, деб ҳисоблаймиз.

Дастуримизнинг ***олтинчи йўналиши*** **Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти – кучли ижтимоий сиёсатнинг асосидир, деб номланади.**

Унда **иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштирокини сақлаб қолиш, камбағалликни қисқартириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш ҳамда банк-кредит соҳасини ривожлантириш** бўйича таклифлар ўрин олган.

Дастуримизда **вазирлик ва идоралар томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ёки жарима солиш натижасида тушадиган барча тушумларни тўлиқлигича Давлат бюджетига йўналтириш** кўзда тутилган.

Дастуримиздаги ***еттинчи йўналиш*** **товар ва хизматлар нархларининг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш – манзилли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши, деб номланган.** Партиямиз ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларнинг нархларини шакллантириш устидан давлат ва жамоатчилик назоратини қатъий ўрнатиш лозим, деб ҳисоблайди.

**Эҳтиёжманд аҳоли қатламининг кундалик зарур товар ва хизматлардан фойдаланишини таъминлаш масаласига эътибор қаратилган.**

Партиямиз ипотека кредити тўлови бўйича қарздорлик юзага келганлиги сабабли гаровга қўйилган кўчмас мулкни аукционда сотишдан олдин кредит олган шахсга уч ой муддатда ушбу кўчмас мулкни уч томонлама олди-сотди шартномаси асосида ўзига қулай нархда сотиш имконини бериш керак, деб ҳисоблайди.

Сайловолди дастурнинг ***саккизинчи йўналишида*** ижро ҳокимияти томонидан муҳим ижтимоий қарорлар қабул қилишда сиёсий партиялар фракциялари ва жойлардаги **партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш** институтини жорий этиш, давлатнинг айрим функцияларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтказиш, сиёсий партиялар, депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш каби таклифлар ҳам ушбу йўналишда ўз ифодасини топган.

Дастуримизнинг ***тўққизинчи йўналиши***да **қонун устуворлиги, ижтимоий тенглик ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш, фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар акс этган.**

Партиямиз қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш асосида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича **суд механизмларининг мақбуллигини** таъминлаш учун қатъий ҳаракат қилади. Жумладан, **суд механизмларининг мақбуллигини таъминлаш, қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва имкониятлар тенглигига қатъий амал қилишга қаратилган ташаббуслар ўрин олган.**

Дастурдаги сўнгги, ***ўнинчи йўналиш***да **миллий манфаатларга асосланган очиқ, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни изчил давом эттириш билан боғлиқ ғоялар мужассамлашган.**

Хусусан, **минтақавий барқарор ижтимоий ривожланиш, муқобил энергетика ва замонавий тиббиёт соҳаларида инновацион дастурлар ҳамда лойиҳаларни халқаро ҳамкорлар билан биргаликда амалга ошириш**ни мақсад қилган.

Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури билан танишган ҳар бир сайловчи унинг кенг аҳоли қатлами вакиллари манфаатларини акс эттиргани, ғоя ва ташаббуслар том маънода вақт синовидан ўтган чуқур асосга эгалиги, партиянинг пировард мақсади халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш эканлигига тўлиқ амин бўлади.

**Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши**
**Ахборот хизмати**

**Халқ демократик партияси номзодларига овоз беринг!**

---

**Мамлакат сиёсий майдонида ўзини "сўл марказ" позициясида намоён этиб келаётган "Адолат" социал-демократик партияси социал-демократия мафкурасига содиқ қолган ҳолда иқтисодий эркинликни тан олишда давлат иштирокини сақлаб қолиш, ижтимоий тенглик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти каби ғояларни илгари суриб келади.**

# ТЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ САРИ!

Шу боис, Сайловолди дастуримизнинг **Ҳуқуқий давлат барпо этиш – олий мақсадимиз деб номланган йўналиши**да барча фуқаролар ва мансабдор шахслар ўз ҳаёт тарзини қонун асосида йўлга қўйиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси сифатида қайд этилган бўлиб, бунинг учун, энг аввало, жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш лозимлиги таъкидланган.

Сайловолди дастуримизда фуқароларга енгиллик яратиш ҳамда судлар фаолиятида сифат ва самарадорликни ошириш мақсадида **ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судларни** ташкил этиш, судьялар ҳуқуқларини юқори даражада кафолатлаш ва иш юкламаларини мақбуллаштириш мақсадида **"Судьялар мақоми тўғрисида"** алоҳида қонун қабул қилиш, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланишини назарда тутувчи **"Давлат компенсацияси тўғрисида"** қонун қабул қилиш ҳамда **жиноятдан жабрланганларга кўмаклашиш** жамғармасини ташкил этиш каби муҳим таклифларни илгари сурганмиз.

Сайловолди дастурининг мазкур йўналишида, шунингдек, жамиятни ўйлантириб келаётган яна бир муаммо – **пиёдалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари**, **уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга қаратилган** кескин чоралар кўриш бўйича ҳам ташаббусларни илгари сурганмиз. Хусусан, ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини мунтазам бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш, шу жумладан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолатларда **умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш** таклифи ниҳоятда долзарб ташаббус саналади.

Сайловолди дастуримизнинг миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ривожини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олган учинчи йўналишида энг устувор вазифа – давлатнинг иқтисодий фаолияти натижасида юзага келган **даромадларни адолатли тақсимлаш**ни таъминлайдиган иқтисодий-ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш экани алоҳида қайд этилган.

Бу борада, айниқса, **солиққа тортишнинг прогрессив ставкаларини** ҳаётга жорий этиш ва шу орқали даромадлар тенгсизлигини камайтиришга эришиш таклиф қилинганлиги айни муддаодир. Прогрессив солиқ тизимини жорий қилиш дунё мамлакатларида социал-демократик йўналишдаги сиёсий партияларнинг анъанавий ғояларидан бири бўлиб, даромад миқдорининг ортиб бориши билан солиқ ставкасининг ҳам ошиб боришига асосланади.




Сайловолди дастурида фуқароларни иш билан таъминлаш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар ҳам белгилаб олинганки, улар орасида олий ва профессионал таълим муассасалари битирувчилари учун **"Кафолатланган биринчи иш жойи"** лойиҳасини амалга ошириш, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шунингдек, адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлишини ташкил этишга кўмаклашиш ҳамда **"Фахрийлар тўғрисида"ги** қонунни ишлаб чиқиш кабиларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, хусусан, мактабларда ўқитилаётган "Технология" фанини ўқитишни замон талаблари асосида йўлга қўйиш ва "Робототехника" фанини жорий этиш, сунъий интеллект асосида "ақлли мактаб" дастурини таълим тизимига жорий этиш, "Талабалар тураржойлари" барпо этишни кенгайтириш, олий таълим муассасаларида ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг **"Илм-фан ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги** қонунини қабул қилиш кабилар ҳам сайловолди дастуримиздан ўрин олган бўлиб, улар ўта долзарб аҳамиятга эга таклифлар ҳисобланади.

Маълумки, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимимизда соғлиқни сақлаш соҳаси алоҳида ўрин тутади. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг энг катта бойлиги – халқининг саломатлигидир.

Сайловолди дастуримизнинг ушбу йўналишида тиббиёт соҳаси даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун нодавлат тиббиёт ташкилотларини **"тижорат ташкилоти"дан нотижорат ташкилотига ўтказиш**, нодавлат тиббиёт муассасаларида тиббий хизматлар учун тўловлар миқдори устидан давлат назоратини ўрнатиш таклиф қилинган.

Албатта, хусусий секторнинг давлатнинг муайян қонун-қоидалари асосида фаолият юритиши ва давлат назорати остида бўлиши лозимлиги нуқтаи назаридан бундай таклифлар **социал-демократия мафкурасига** тўлиқ мос келади.

Шунингдек, Сайловолди дастуримизда фармацевтика соҳасини тартибга солиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам қамраб олинган. Хусусан, **фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишув ва ноқонуний мулоқотга чек қўйиш**, фармацевтларнинг тиббиёт муассасаларига ғаразли ҳомийлигини тўлиқ тақиқлаш, бу каби ҳаракатлар учун **жиноий жавобгарлик белгилаш** таклиф этилганлиги айни муддаодир.

**Оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш, ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши ва интеллектуал ривожланиши масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилган.** Бу борада партиянинг барча олий таълим муассасаларида ҳарбий кафедралар ташкил этиш орқали талаба йигитларнинг ҳарбий унвон олишдек шарафли истакларини рўёбга чиқариш, ҳар бир маҳаллада болалар шуғулланадиган спорт майдонларини ташкил этиш, ёш ихтирочи олимлар учун патент олиш жараёнини янада соддалаштириш, вояга етмаган шахсларга нисбатан жинсий зўравонлик учун жазоларни кескин кучайтириш, **14 ёшга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятчиларга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини** қўллаш каби долзарб таклифлари илгари сурилган.

Бундан ташқари, партиямиз коррупция билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, талон-торож ҳолатлари учун жазони кучайтирувчи, етказилган зарарларни ўн баробар миқдорда ундиришни назарда тутувчи нормаларни қонунчиликка киритиш, давлат даромадига ундириладиган барча тўловлар (жарималар, давлат божлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий ундирувлар) вазирлик ва идоралар ғазнасига эмас, тўлалигича давлат бюджетига тушишини таъминлаш тарафдори.

"Адолат" партиясининг ташқи сиёсий устуворликлари прагматизм, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, асосий ҳамкорлар ўртасида мувозанатни сақлаш тамойилларига асосланади.

Эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро жараёнлардаги иштироки сезиларли даражада кенгайди. Анъанавий ҳамкор ва етакчи мамлакатлар, шунингдек, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқаларни янада ривожлантириш, улар билан мувозанатли ва доимий мулоқот олиб бориш орқали мамлакатимизнинг миллий манфаатлари фаол амалга оширилмоқда.

Айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқалари ҳар қачонгидан кўра анча кенгайгани эътиборга моликдир. Сиёсий, савдо-иқтисодий, трансчегаравий, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, чегара пунктларини кесиб ўтиш каби муаммоларни томонлар очиқ ва дўстона руҳда ҳал қилиб келишмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тинчликпарвар ташқи сиёсатини изчил давом эттириш билан боғлиқ олдимизда ҳали бир қатор вазифалар ҳам борки, улар Сайловолди дастуримизнинг мазкур йўналишида ўз аксини топган.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг сайловолди дастури популистик шиорлар тўплами эмас, балки мамлакатимизни ҳар томонлама мувозанатли ва тизимли ривожланиш йўлини таклиф қилувчи стратегик ҳужжатдир. Унинг асосида ижтимоий адолат, имкониятлар тенглиги, қонун устуворлиги ва инсонга ғамхўрлик қадриятлари ётади. Биз айнан шундай ғояларгина Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши ва равнақ топиши учун кафолат бўла олади, деб ишонамиз.

**Адолат учун бирлашайлик!**

**Абдукамол РАҲМОНОВ,**
**Ислом ҲАМРОЕВ,**
**"Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосарлари**

***Адолатга ва Адолат учун овоз беринг!***

Ҳидоят манзили

# УСТОЗ-ШОГИРД БЎЛГАН ИККИ БУЮК МУҲАДДИС



**Тоғ узоқдан унчалик маҳобатли кўринмаса-да, лекин унга яқинлаша борган сари пурвиқорлиги, баландлиги яққол кўзга ташланади. Худди шундай, биз мутафаккир аждодларимизни яқиндан таниб, уларнинг бой илмий меросини ўрганибгина боболаримизнинг нақадар улуғ зотлар бўлганини англаб етамиз ва уларга муносиб авлод бўлишга интиламиз.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 августдаги «Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги Қарорида муқаддас ислом дини илмлари ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк олим, ватандошимиз Имом Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг улкан илмий меросини янада чуқур ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ушбу йўналишда олиб борилаётган тадқиқотларни қўллаб-кувватлаш, ёш авлоднинг маънавий-руҳий оламини бойитиш, уларнинг қалбида миллий ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш каби вазифалар белгиланган.

Ҳақиқатан, аждодларимизнинг ҳаёт йўллари ва улар қолдириб кетган бой илмий мерос бугун биз чораларини ахтараётган кўплаб муаммоларни ечишда жуда қўл келади. Айниқса, устоз-шогирд муносабатлари, ёшлар таълим-тарбиясида Имом Термизийнинг ҳаёт йўллари, устози Имом Бухорийга бўлган муносабати барчамизга ибратдир.

Манбаларда келтирилишича, Имом Термизийнинг устози Имом Бухорийга ҳурмати чексиз бўлган. Имом Бухорий 863–868 йилларда Нишопурда яшаган даврда Муҳаммад Термизий унинг дарсларида қатнашади.

Беш йил мобайнида Имом Бухорийдан ҳадис ва унга тегишли бошқа илмларни ўрганади ва: “Ҳадис илмида Ироқда ҳам, Хуросонда ҳам Муҳаммад ибн Исмоил (Имом Бухорий)дан кўра илмлироқ бирор кишини кўрмадим”, деб устозига бўлган чексиз эҳтиромини намоён қилади.

Имом Термизий хотирасининг кучлилиги билан ўз даврининг олимларидан ажралиб туриши билан бирга, устози Имом Бухорийга ҳам ўхшаб кетар эди. Бу ҳақда тарихчи Шамсуддин Заҳабийнинг (1274–1347) “Тазкиратул ҳуффоз” (“Ҳофизлар ҳақида тазкира”) номли асарида қуйидаги ҳикоя келтирилади:

“Макканинг йўлида эдим. Бир шайхнинг ҳадисидан баъзи қисмларни ёзиб олган эдим. У ёнимиздан ўтиб қолди. Мен ушбу парчалар ўзим билан деб ўйлаб, унинг ёнига бордим. Мен билан бўлган юкимнинг ичида ҳам баъзи парчалар бор эди ва мен уларни ўша ёзиб олган парчаларим деб ўйладим. У менга изн бергач, парчаларимни олдим. Қарасам, улар оқ (яъни, уларга ҳеч нарса ёзилмаган). Мен ҳайрон бўлдим. Шайх менга ёддан ҳадис айта бошлади. Сўнг менга қаради ва қўлимдаги оқ варақни кўриб: “(Ёзмасдан ўтиришга) мендан уялмайсанми?” деди. Мен бўлган ишни гапириб бердим ва: “Айтганингизнинг ҳаммасини ёд олганман”, дедим. У: “Унда менга қайтариб айт”, деди. Мен унга бошидан охиригача айтиб бердим. Аммо у менга ишонмади ва: “Сен буларни менинг олдимга келишингдан олдин ёдлаб олгансан”, деди. Мен унга: “Булардан бошқасини айтинг”, дедим. У менга ўзининг нодир ҳадисларидан қирқтасини айтди ва: “Қани, қайтариб айт-чи?” деди. Мен уларни бошидан охиригача айтиб бердим ва биронта ҳарфда ҳам адашмадим. У: “Сенга ўхшашини кўрмаганман”, деди.

Имом Бухорий ҳам шогирди Абу Исо Термизийга юқори баҳо бериб: “Сен мендан фойдаланганингдан кўра мен сендан кўпроқ фойдаландим”, деб таъкидлаган. Унинг шогирдига бундай юксак баҳо бериши Имом Термизийнинг қанчалик даражада илмга эга эганлигини кўрсатади.

Имом Бухорий, Имом Термизий каби йирик муҳаддислар Қуръони карим, ҳадиси шариф ва саҳобаи киромларнинг сўзларини жуда хассослик билан ўрганишган. Мана, асрлар оша бу икки буюк муҳаддиснинг асарлари қўлдан қўймай ўқилади. Бу асарларни ўқиш ва уқиш орқали одамларнинг маърифати юксалиб, ҳақ ва ҳақиқатни топиб бораверади.

Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан ўтказилаётган Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги аждодларимизни ёшларга танитиш, уларнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва тадқиқ этиш, шу орқали фарзандларимизнинг баркамол бўлиб улғайишига замин яратади, иншоаллоҳ.

**Жасурбек домла РАУПОВ,**
**Тошкент вилояти**
**бош имом-хатиби**

Изҳор

# Тўғри чизиқ

***Биринчи ўқитувчим***
***Дилбарой ОХУНОВАга***

*Боликни қўмсаб кезаман тунда,*
*Юлдузлар нурига беланар хаёл.*
*Кулиб келаверар қаршимдан шунда*
*Мунаввар бир аёл, дилбар бир аёл.*

*У – Сиз...*
*Хотиралар аста жонланар:*
*Синф. Бўёқ ҳиди. Ўттиз полапон.*
*Бу – мен. Меҳрибон қўл бошимни силар:*
*“Чизиқдан чиқмасдан ёзинг, Иқболжон!”*

*Опа, хотирадир у кунлар, опа,*
*Опа, у кунларга бугун интиқман.*
*Бугун хатоларим қилмасми хафа,*
*Чиқиб кетмадимми тўғри чизиқдан?!*

*Опа, қолиплардан зерикканман хўб,*
*Дафтар чизиғининг йўриғи бошқа.*
*Опа, бу дунёнинг чизиқлари кўп,*
*Лекин ҳаммаси ҳам элтмас Қуёшга.*

*Меҳрингиз соғиниб кезаман тунда,*
*Чироқлар нурига беланар хаёл.*
*Кулиб келаверар қаршимдан шунда*
*Мунаввар бир аёл, дилбар бир аёл.*

*У – Сиз...*
*Эски сурат аста жонланар:*
*Синф. Китоб ҳиди. Ўттиз полапон.*
*Бу – мен. Меҳрибон қўл бошимни силар:*
*“Чизиқдан чиқмасдан ёзинг, Иқболжон!”*

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон**
**халқ шоири**



***У – Сиз...***
***Хотиралар аста жонланар:***
***Синф. Бўёқ ҳиди. Ўттиз полапон...***



Дарвоқе

# УСТОЗНИНГ АДОЛАТИ

Бугун нима кўп, қўлбола шоу-танловлар кўп. Уларнинг айримларида ҳакамлик қилаётган устозлардан айримларининг ўзлари устоз кўрмагани сезилиб қоляпти...

Шу ҳақда ўйлаганда мусиқа санъатимизнинг беназир намояндаси Турғун Алиматов билан боғлиқ бир воқеа ёдга келади. Буни Тошкент вилояти ҳокимлигида бирга ишлаган кезларимизда дилкаш акамиз, маданиятимиз фидойиси Баҳодир Аҳмедов ҳикоя қилиб берганди.



Воқеа шундай: танбур ижрочиларининг нуфузли танлови ўтказилади. Ҳакамлар ҳайъатига раислик қилиш соз устаси Турғун Алиматовнинг зиммасида. Чор тарафдан манаман деган машшоқлар келиб, соз “сайратишади”.

Буни қаранг, якунда ғолибликка икки ёш танбурчи даъвогар бўлиб, ҳайъатни хийла шошириб қўяди. Аслида, иккиси ҳам олий ўринга лойиғ-у, аммо бош соврин битта эканда. Нима қилиш керак?

Ҳаммадан ҳам устоз созандага ноқулай. Биринчидан, у – ҳайъатга раис, ғолибни эълон қилиши керак. Иккинчидан, даъвогарлар ўзининг шогирди, ҳатто, бири суюкли набираси ҳам...

“Ярқ” этган истеъдод яхши устанинг қўлига тушса, камол топади. Ажаб, устанинг бу икки шогирди ҳам ҳозир тенгсиз танбурчи. Бири Аброржон Зуфаров – анъанавий созандалик бўйича консерватория мураббийси. Тоир Асқар эса сиз билган “Сато” гуруҳининг асосчиси, яқинда Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди.

Хуллас, ғолибни аниқлаш бобида бир қарорга келолмаган ҳайъат аъзолари ҳалидан буён сукут сақлаб ўтирган Турғун Алиматовга юзланишади: “Ўзингиз бирор нарса денг...”

– Ғолиб маълум, ортиқча баҳсга ўрин йўқ, – дейди раис. – Биласиз, икки даъвогар ҳам шогирдим. Бири биридан ўзган истеъдод! Лекин, биринчи ўринни Тоир Асқаровга берсак, ҳар томонлама адолатли иш қилган бўламиз, деб ўйлайман...

Очиғи, кўпчилик буни кутмаган экан. Кимдир гап ташлайди:

– Ахир, Аброржон ҳам куйни ниҳоятда моҳирона ижро этди, қолаверса, ўз набирангиз...

– Ҳа, тўғри айтасиз, Аброржон – набирам, – таъкидлайди устоз. – Созандалик унга бобомерос, бинобарин, соз чалишни ўз уйида, менинг ёнимда юриб ўрганди. Тоир эса ушоқдай пайтидан мени дараклаб келди, ҳар куни шунча узоқ жойдан қатнаб, сабоқ олди. Энди ўзингиз айтинг-чи, илму ҳунар эгаллаш йўлида ким кўпроқ тер тўккан, Аброрми ё Тоир?

Алқисса, ўша танловда соврин Тоир Асқарда кетган экан.

**Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ**

Сабоқ

# САРЛАВҲАСИ ЎЗГАРГАН ИНШО

Тўртинчи синфда ўқирдим. Хурсанд опа Тўраева деган устозимиз хонага кирдилар-да, ҳаммага топшириқ бердилар:

– Бугун таниқли адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўғри” ҳикояси ҳақида иншо ёзамиз.

Сўнг мен томонга қарадилар:

– Сен, Беҳруз ва Умрзоқ... Сизлар эса “Ўғри” ҳикоясига эмас, бошқа мавзуда иншо ёзасизлар. Масалан, кечаги воқеаларга таяниб...

Учаламиз ҳайрон эдик. Чунки, бир кун аввал Беҳрузларникида Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоясини қайта-қайта ўқиб, роса тайёргарлик кўргандик-да! Лекин энг ҳурмат қиладиган ўқитувчимиз нега бизга бундай талаб қўяётганига тушунмаётган эдик...

Орадан бир неча кун ўтиб, шифохонага тушиб қолдим. Синфдошларим кўргани келишди. Улар орасида бир сават мева кўтарган устозимиз Хурсанд опани кўриб, севиниб кетдим. Улар меҳрибонлик билан бошимни силаб:

– Тезда соғайиб, ўртоқларинг сафига қайт, сенсиз синфимиз ҳувиллаб қолди. Бизга сенинг ҳазилларинг етишмаяпти, – дедилар.

Хурсанд опа билан ёлғиз қолгач, юрак ютиб:

– Устоз, сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим, – дедим.

– Бемалол, қани, нима гапинг бор?

– Ўша куни бизга нима учун бошқа мавзуда иншо ёздирганингизни энди тушундим. Бизни кечиринг, устоз...

– Ўзимнинг ақлли болам-ей, сизларни ҳамманинг олдида уялтиришни истамаганим учун шундай йўл тутгандим...



...Мактабимизнинг орқа ҳовлисида боғ бор эди. Куз фаслида дарахтлар роса ҳосилга кирар, пиёладек қип-қизил олмаларни кўрганда егимиз келарди. Бир куни мактабдан қайтаётсак, Беҳруз: “Бугун қоровул кўринмаяпти, юринглар, папкамизга олма тўлдириб чиқамиз”, деб қолди. Мен эса: "Йўғ-ей, ўқитувчилардан бири кўриб қолса, директорга айтиб беради", дедим. Аммо Беҳруз: "Ҳеч ким кўрмайди, қўрқмаларинг", деб мен билан Умрзоқни кўндирди...

Шундай қилиб ўша куни роса олмага тўйдик. Эртаси куни эса ўқитувчимизнинг топшириғи билан учовимиздан ташқари ҳамма синфдошларимиз “Ўғри” ҳикояси асосида иншо ёзишди...

Қарангки, устозимиз ҳамма гапдан хабардор бўлса-да, буни ҳеч кимга ошкор қилмаган. Хурсанд опамизнинг бу иши бизга катта сабоқ бўлди. Ўша воқеадан кейин энди ҳечам бундай номақбул иш қилмайман деб, ўз-ўзимга қатъий сўз бердим.

Орадан йиллар ўтмоқда. Собиқ синфдошлар энди анча улғайганмиз. Ҳар сафар йиғилганимизда Хурсанд опа Тўраева каби меҳрибон ва билимли устозлардан таълим-тарбия олганимизга шукр қиламиз. Зеро, улар бизга фақат дарсликларда ёзилган мавзуларни ўргатибгина қолмай, балки ҳаёт сабоғини ҳам беришган экан...

**Меҳриддин ИБРАГИМОВ,**
**ЎзЖОКУ талабаси**


**TOSHKENT HAQIQATI**
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

Muassis:
**TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI**





“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

**Zoyir MIRZAYEV**
*(tahrir hay’ati raisi)*
**Abdusamad NOSIROV**
**Ummat MIRZAQULOV**
**Hotamjon SAYDAHMEDOV**
**G‘afurjon MUHAMEDOV**
**Sirojiddin ESHQUVVATOV**
**Tohir ARIPOV**
**Mahmud TOIR**
**Uskenboy ATEMOV**
**Abdulla XURSANOV**
**Kumush EGAMBERDIYEVA**
**Behzod QOBULOV**
**Olimjon BEGALIYEV**
**Zarifa ERALIYEVA**
**Sergey MUTIN**



Bosh muharrir:
**G‘ayrat SHERALIYEV**

**Qabulxona:**
(55) 520-64-95

**Bosh muharrir o'rinbosari:**
(55) 520-04-10

**Mas’ul kotib:**
(55) 520-05-10

**Bo‘lim muharrirlari:**
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

**E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:**
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib:
**Alloma AZIZOVA**

Navbatchi:
**Zikrilla MAMATOV**

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 22:20
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-1035.
3 025 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzil:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.**
**Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6